



“АЁЛЛАР МАСЛАХАТ МАРКАЗИ”ДА БИР КУН




ЮРАГИГА СУЯНГАН АЁЛ



ТАҚДИРЛАРНИ ТОПТАЁТГАН ТЕЛЕФОНЛАР



КЎНГИЛ КЎЗГУСИ



## БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР!



### МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Оилангизнинг яна бир сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган севимли газетангизга 2016 йил учун обуна давом этмоқда!



# “АЁЛЛАР МАСЛАХАТ МАРКАЗИ”ДА БИР КУН

Жорий йилдан бошлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари кўмагида хотин-қизлар кўмиталари қошида “Аёллар маслаҳат маркази” ташкил этилиб, фаолият юритмоқда. Уларнинг барчасида шарт-шароит бир хил деб бўлмайдими, аммо марказ иш бошлаган, мурожаатлар қабул қилинмоқда. Хўш, ушбу марказларнинг ҳудудлардаги фаолияти қай даражада?

Биз ушбу саволга жавоб топиш мақсадида Иштихон туманида чоршанба кuni ишлайдиган “Аёллар маслаҳат маркази”да бўлдик.

— Марказимизга шифокор, психолог, отинойи, ҳуқуқшунос мутахассислар жамоатчилиги асосида жалб қилинган, — дейди марказ раҳбари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Саодат НАЗАРОВА. — Февраль ойидан иш бошлаган бўлсак, айна кунгача турли ҳудудлардан қирққа яқин мурожаатлар келиб тушди. Иш бошлашдан аввал, туманимиздаги 62 та маҳалла маслаҳатчиларига ушбу марказ фаолияти ҳақида батафсил тушунча берилди. Айтиш кераки, бугун маҳалла маслаҳатчиси ҳам ўз ваколати доирасида оилалардаги турли вазиятларни ҳал этишда, хотин-қизларга тўғри йўналиш беришда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Лекин баъзида нотинч оилалардаги муаммолар ҳал этилишида етарли имконият топилмаганда хотин-қизлар кўмиталарига мурожаат этилади. “Аёллар маслаҳат маркази” шу маънода кўмиталарнинг яқин ёрдамчисига айланмоқда. Сабаби, баъзи оила бекарлари психолог, айримларига юридик маслаҳат жуда зарур. Айниқса, отинойи билан суҳбат хотин-қизлар учун жуда ўринли, деб ўйлайман. Сабаби, кейинги йилларда бир-бирига тақлид қилибми, аксарият ҳолларда иш жойи аниқ бўлмай, хорижга ишга бориш ҳаракатида юрган аёллар ҳам учраб турибди. Уларни зарур бўлган-



да, ҳатто марказга атайин чақиртириб, суҳбат олиб боряпмиз. Тўғри, қаерда ишлаш ҳар бир инсоннинг шахсий иши. Аммо бундай вазиятларда кўпинча оилада муаммо пайдо бўлаётгани ёки уларнинг чет юртда турли вазиятларга дуч келиб, муаммолар қаршида охири қолаётгани ҳам бор гап. Ушундай ҳолга тушиб қолгандан сўнггина бизга мурожаат қилгандан кўра, вазиятни олдиндан тўғри тушунтириш, бу борада мисоллар келтириш, уларни оғохлантириш бизнинг вазифамиз, деб ўйлайман.

...55 ёшли онахон нега тўсатдан хорижга ишлашга кетаман, деб қолди? Бунинг учун жиддий сабаблар бормикан? Аёл билан мутахассислар, хусусан, отинойи, шифокор, ҳуқуқшунос алоҳида суҳбатлашди. Бугун дунёда юз бераётган вазият, хорижда аёлларнинг алданиб, адашиб қолаётганини мисоллар билан тушунтирдилар. Аёл шунда ҳам иккилангандай бўлиб чиқиб кетди.

— Аёл уйда бўлганда, оилада турли муаммолар пайдо бўлаётгани айнан ана шундай кайфиятда юрганларга обдон тушунтиралади, — дейди марказ отинойиси Гулшода Дўлтаева. — Оиласидаги ижтимоий муҳит, ички имкониятлари ўрганиб

чиқилгач, унга баъзи тавсияларни ҳам берамиз.

...Ўз ўғлидай тарбиялаб, вояга етказган бола уйлангач, ўғай онасини тан олишни истамаса, унга азугум ўтказса... Бу ҳолга чидаш мумкинми? Ўғай онанинг муаммолари нималарда кўринади?

Бу жиддий масала ҳам мутахассислар ёрдамида атрофлича ўрганиб чиқилди. Марказ раҳбари Саодат Назарова ушбу муаммо фақат бир тарафни эшитиш билангина ҳал бўлмастлигини дарҳол тушуниб, суҳбатга ўғилни ҳам чақиртирди. Йигит бу ерда ўзи билган ҳақиқатни бошқачароқ тарзда эшитди. Ушбу ҳақиқатда хатолари кўзига ярқ этиб кўрина бошлади. Ҳаммининг олдида онасидан кечирим сўради...

— Бу вазиятда аёлнинг ҳам, оиладаги фарзандларнинг ҳам муаммолари бир кун давомида ёки ўғил уйлангангина пайдо бўлмаган, деб ўйлайман, — дейди шифокор Дилфуза Мустафоева. — Аёлнинг соғлиги ҳаминқадарлиги унинг юз-кўзларидан шундоқкина сезилиб турибди. Бу хонадонда, энг аввало, ички хотиржамликни ўрнатиш лозим. Гарчи бугун масала ўз жойида ижобий ҳал этилган бўлса-да, аммо аёл ва унинг фарзандлари билан яна

## Репортаж

суҳбатлашиш кераклиги инобатга олинди.

...Кўпчиликнинг ичида эркакнинг бош эгиши кўзга ёмон кўринар экан. Аммо у бош эгиб тургани билан хатоларига иқрор бўлгиси келмади. Бундан бир ҳафта аввал аёли худди шу ўринда оилавий ҳаётга дарз кетаётганини айтиб, йиғлаганди. Гарчи узоқ йиллар фарзандлари отаси бўла туриб, рўзгорни ёлғиз ўзи юритишига тўғри келганига қарамай, аёл бу ҳақда ҳеч кимга билинтирмади. Аммо элнинг оғзига элак тутиб бўлармиди?! Эркакнинг аллақачон бошқа аёллар билан кайфу сафо қилиб юргани ҳақидаги гап-сўзлар тарқаб бўлганди. Лекин аёли бу гапларга парво қилмади, фарзандларини тарбиялаш, рўзгор юритиш каби ишларга шўнғиб кетди. Болалари кап-катта бўлиб қолган пайти шунча гап-сўзларни кечириб яшаган аёли билан яшамасликка қарор қилган, ёши ҳам бир жойга бориб қолган эркак кишига нима ҳам дейиш мумкин?..

Лекин тажрибали мутахассислар у билан суҳбатлашгач, оилада вазият бирмунча ўзгарди...

— Тўғри, бир қараганда, бу эркак бош эгиб, ўзини жабрдийда қилиб кўрсатаётгандай кўринади, — дейди ҳуқуқшунос Мохия Латипова. — Аммо унинг аёли билан қонуний ажришиб, оиласидан уй-жойни олиш истиғи ҳам йўқ эмаслиги маълум. Шунинг учун у билан бу масаланинг қонуний томонларига урғу бериб гапирдим.

Ҳа, турфа вазиятлар, турли инсонлар тақдир. Уларни баъзида бир сўз ўзгартириб юборса, баъзида ҳатто йирик моддий кўмак ҳам масаланинг ижобий ечимига таъсир кўрсатолмайди. “Аёллар маслаҳат маркази” мутахассислари эса шундай мураккаб жараёнда изланишни, кўмак беришни давом эттириш пайида.

Гулрух МҰМИНОВА,  
“Оила ва жамият” муҳбири.  
Самарқанд вилояти.

## Ида МИХАЙЛОВИЧ:

### ШУ ВАТАНИНГ ФАРЗАНДИМАН!

Эл қорига камарбаста бўлиб, одамлар дарди билан яшаётган, ўзининг камтарин, беминнат хизмати билан кўпчиликнинг қорига яраётган шифокорлар ораимизда бисёр. Ана шундай фидойи инсонлардан бири тиббиёт фанлари номзоди, доцент Ида Эйниховна Михайловичдир.

Асли украиналик Ида Эйниховнанинг болалик йиллари уруш даврига тўғри келди. Отаси Эйних Михайлович урушга кетгач, уч ёшли қизалоқ онаси Маса, онаси Полина билан Ўзбекистонга эвакуация қилинди. Ана шундан буюн у ўзини Ўзбекистонлик деб билади. Ўзбеклар орасида яшаб, ўзбек тилини мукамал ўрганди. Андижон шаҳридаги 1-мактабни имтиёзли тамомлаб, ТошМИ (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)да тахсил кўрди. Андижон тиббиёт институтида ўқитувчи бўлиб иш бошлаганига ҳам мана, 50 йилдан ошди. Эътиборли жиҳати, ўзбек, рус ва инглиз тиллари грамматикасини яхши билганлиги сабабли, ана шу тиллардаги маърузалари билан тезда ҳамкасбла-

ри ва талабалар ҳурмат-эътиборини қозонди. Аспирантурада ўқиб, билимини оширди. 1977 йилда “Ошқозон ости беши яллиғлиниши” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Айни пайтда Ида опа Андижон тиббиёт институти клиникасининг хирургия бўлимига қарашли лимфология кафедрасида мудири. Қирқ йилдан буюн жарроҳлик амалиётларини бажариб келаётган қахрамонимиз тинимсиз ўқиш, изланишлар олиб боришдан чарчамайди. Устозлари — профессор Сатқул Жумабоев, Одижон Холматов, Борис Огневдан олган сабоқлари, ортирган тажрибалари институтида ҳам, клиникада ҳам қўл келди. Қўли энгил



жарроҳдан бу машаққатли касб маҳоратининг сирларини кунт билан ўрганган Миннаввар Мамедова, Ҳабибахон Ҳалимова, Азимжон Юлчиев, Дилшодбек Умматалиев, Ҳақимжон Абдуллаев каби

## Ўзбекистон — умумий уйимиз

шогирдларининг ўзлари ҳам бугунги кунда устозлик мақомига эришди.

Ида Эйниховнанинг оиласини шифокорлар сулоласи дея бежиз айтишмайди. Турмуш ўртоғи Александр Васильевский уролог-шифокор, тиббиёт фанлари номзоди, доцент, клиниканинг урология кафедраси мудири. Ўғиллари Михаил ва Эдуард ҳам шифокорлик касбини танлашган. Бу оиладаги ширин турмуш тарзи, ўзаро ҳамкорлик, ижодий изланишлар, бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби фазилатлар устуворлиги сезилиб туради.

— Шифокорлик касби ортидан топган обрў-эътиборим аслида устозларимга бўлган эътиқод ва садоқатим рамзидир, — дейди Ида опа.

— Шогирдларимдан ҳар қанча фахрлансам арзийди. Кўп қузатаман: айрим беморлар мен билан рус тилида гаплашишга ҳаракат қилишади. Мен эса уларга ўзбекча жавоб қайтарсам, бирданига чехралари очилиб, дилдан суҳбатлашиб кетишади. “Ўзбекистонда яшарканман, албатта, ўзбек тилини билишим, шу тилда гапира олишим шарт. Чунки мен учун она юрт — Ўзбекистон-ку!”, дейман.

Ида Эйниховнанинг сехрили кўлларида шифо топганларнинг бугун ҳисоби йўқ десак ишонаверинг. Уларнинг аксарияти ўз саломатлигини тиклаб, қадрдон оиласи бағрига шошилаётганида, юз-кўзлари нурга тўлиб: “Опа-жон, илоё, шифобахш кўллариңиз ҳеч қачон дард кўрмагани, бизнинг бахтимизга ҳамisha омон бўлинг”, деб чин юракдан самимий миннатдорчилигини изҳор этади.

Зилола РАҲМОНОВА,  
журналист.  
Андижон вилояти.

## ДАРАХТ БИР ЖОЙДА КЎКАРАДИ,

— дейди Олмалик шахридаги 13-ўрта таълим мактаби директори Назира Абдурахмонова.

**Муаллимдан ушбу сўзни эшитганимда беихтиёр шак бор қўлимизга қалам тутқазган, ҳарфларни ҳижжалаб ўқитган инсон кўз олдимда намоён бўлди.**

Назира Абдурахмонова ҳар куни тонг отишни интиқлик билан кутади. Мактаб, ўқувчилар унинг ҳаётига айланган. Турмуш ўртоғи ҳам, ўғил, қизу набираларига ҳам бу ҳолат табиий. Чунки, опанинг ярим бўлаги мактабга сингир кетган. Мактаб остонасидан ҳатлаши билан пол-понлардек ўқувчилари уни куршаб олишади. Дарс чоғи эса ҳар бир синф эшиги ортидан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг савол-жавобларини эшитиб, юраги таскин топади. Бу лаҳзалар кишининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшади.

...Опанинг эсида, эндигина 7 синфини тугатган Назирахонни отаси қўлидан тутиб, Тошкентга йўл олади. Йўл-йўлакай бир неча билим юртлирига кириб ўтишади ва ниҳоят, Тошкент хотин-қизлар билим юртида ўқишни маслаҳат берган отаси "Киз болага муаллима бўлиш бахтдир", дея нечоғли тўғри қарорга келганини шунча йиллардан бери опа мамнуният билан эсга олади... Келинлик хонадони ҳам зиёлиларни кадрлар, турмуш ўртоғи Абдумутал ака эса химия-биология ўқитувчиси экан. Улар бир-бирларини 51 йилдан бери эъзозлаб, ширин ҳаёт кечирдишмоқда. Шу тобда ҳам тиниб-тинчимас Абдумутал боғо эса 80 ёшни қораласа-да, шогирдлар тайёрлаётди.

**Бухоро вилояти Олот туманида яшовчи Мукаррам Рўзиева пенсияга чиққан бўлсаям бир лаҳза бўш ўтиролмайдди. Вақт топди дегунча, қадрдон мактабига бориб келади. Ер чопиб, экин-тикинга қарайди, гуллар экиб, боғини чаманзорга айлантиради. Мол-қўйларни парваришлайди. Мева-сабзавот томорқангдан, сут-қатиғинг чорвангдан чиқса рўзгорга барака қиради, деган халқона ақидага қатъий амал қилади. Меҳнатда чиниққан одамнинг дам олишга хоҳиши бўлмас экан. Опа келин олиб, қиз узатган бўлса-да, бирор кун оёқ узатиб дам олмайди.**

Мукаррам опа кўп йиллар давомида тумандаги 3-мактабда математика фанидан дарс берган. Қизиқарли мисоллар ва масалалар ёрдамида ўқувчиларини бу фанга бирдек қизиқтиришга ҳаракат қиларди.

— Инсон дунёда завқланиб яшаши керак, айниқса қилган меҳнатингдан роҳатлансанг бундан ортук бахт йўқ, — дейди Мукаррам опа. — Дарсларни тайёрлаб келган, интилуванч ўқувчиларга қараб меҳнатимдан мамнулликин ҳис қилардим. Улардаги ҳаракат, фанга бўлган қизиқиш мени ишлашга ундарди. Қизим Фотима менинг касбимга меҳр қўйди. Ўқитувчиллик

Дарҳақиқат, ишлашга, интилишга шижоат топа олган инсонлардан ибрат олсак арзийди. Фарзандлари Дилфуза, Иброҳим, Абдурахим, Абдуҳошим, Абдурашид, Нодиранинг барчаси олий маълумотли.

Ўқориди айтганимиздек, Назира опани иш устида учратдик. Мактаб остонасидан кириб бораркансиз, озода ва саранжом, анвойи гуллар, таълимга оид турли деворий кўргазмалар (банер) кишини ўзига тартади. Бизга пешвоз чиққан опа хорижий тиллар учун келтирилган жиҳозлар-



ни кўриб, болалардек севинчини ичига сифдирилмай:

— Бу кунларга етканимизга шукр, Президентимизнинг ташаббуслари билан ўқувчиларга шу қадар улкан имкониятлар эшиги очилганки, уларга сифатли таълим бериш биз учун улкан масъулият, — дейди ҳаяжон билан.

— Мактабимизда 300 ўқувчи таълим олмоқда, — дейди Н.Абдурахмонова. — 2014-2015 ўқув йилида 32 ўқувчини касб-хунар коллежи ва академик лицейга учирма қилган бўлсак, янги ўқув

йилида биринчи синфга 25 нафар ўқувчи қабул қилдик. Уларга 38 ўқитувчи таълим-тарбия бериб келмоқда. Мана шу даргоҳда бошланғич синф ўқитувчиси, она тили ва адабиёт фани муаллимаси, кейинчалик директор ўринбосари бўлдим. Йигирма йилдирки, мактаб директори лавозимида ишламоқдаман. Ҳануз кўз олдимда, мактабнинг очилиш маросими катта тўю тантана бўлиб кетди. Махаллакўй дейсизми, мактабни битириб кетганларми, барчаси келиб кўтлашди. Ҳозир барча хоналар ўқув куроллари билан жиҳозланган, замонавий ўқув куроллари билан таъминланган. Қарангки, чет тили ўқитувчиларимиз малака ошириб, ўқиб келишмоқда. Биз ўқитувчиларнинг вазирамиз юртимизнинг бунданда гуллаб-яшнаши учун шижоатли, билимли ўқувчиларни тайёрлаб беришидир.

— Назира опа жамоамизнинг меҳрибон устози, — дейди рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Зарифа Эргашева. — Ўзим ҳам шу мактабда таҳсил олганман. Ҳаммамиз у кишига ҳавас қилганмиз. Сафимизда "Халқ таълими аълочиси" номини олганлар кўпаймоқда. Фидокорона меҳнатларимиз эвазига ўқувчиларимиз таълим, спорт, фан олимпиадаларида фаол.

Дарҳақиқат, Назира опанинг меҳнати бесамар кетмади. 1994 йилда "Халқ таълими аълочиси" унвони билан, "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги" кўрак нишони билан тақдирланди. Ўзи айтганидек, қалб поклиги, яна ёшлар билан доимо алоқада бўлиш, ҳаракатдан тўхтамаслик кишини ёшартираркан. Оилада, жамоада ўз ўрнини топиш, элига оз бўлса-да, кўмак бериш барчамизга насиб этсин.

**Нигора ЎРОЛОВА,  
"Оила ва жамият"  
муҳбири.  
Тошкент вилояти.**

## ҲАЁТ БОҒИДА БОҒБОН



қудуқни игнада қазишдек машаққатли касб. Биз заргар бўлиб, болаларнинг нафақат билимига, балки тарбияси, ахлоқ-одобига ҳам ишлов беришимиз керак. Ҳамкасбларим ўзларини устоз дейдиганлар олдида ўн қарра масъулиятли эканлигини унутмаслиги лозим.

Мукаррам опа оила бобида ҳам бошқаларга ўркан.

— Қизларимдан Машхура Тошкент педиатрия тиббиёт институтида, Фотима Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида, Мақсуда Тошкент ахборот технологиялари университети таҳсил олган. Ўғлимиз Зафаржон эса Тошкент молия институтига тамомланган. Турмуш ўртоғим Бегмурод ака билан бирга фарзандларимизнинг пухта таълим олиши учун шароит яратишга ҳаракат қилдик. Шунинг учун ҳам улар ҳозир нуфузли жойларда ишлашяпти.

Келин олиб, етти қават кўрпачада ўтиришни қайси қайнона

орзу қилмайди, дейсиз. Ҳамма оналар ҳам "Келиним хизматимни қилса" дейди-да. Аммо, Мукаррам опа ундайлардан эмас. Орзу-ҳавас билан Санобархонни келин қилиб туширди. Уни ўз қизлари қотарида қабул қилди.

— Бу йилда 13 йил тўлибди келин бўлиб тушганимга, — дейди Санобар. — У ёғини сўрасангиз, у киши менинг ҳам ўқитувчим бўлган. Мактабда жуда қаттиққўл эди. Лекин онамдек меҳрибонлик кўрсатганлари учунми, бир зумда рўзгорга киришиб кетганман. Ҳозир биз пойтахтда яшаётган бўлсак-да, ҳар доим ҳол-аҳвол сўраб туради, маслаҳатларини аямайди.

Мукаррам ая 70 ёшга яқинлашган бўлса-да, ҳамоно ҳаракатда, Ҳаёт аталмиш боғнинг тиним билмас боғбони. Ҳа энди, қишлоқ ҳаёти шундай бўлади-да, дерсиз. Йўқ, улар китоб мутолаа қилишга ҳам вақт топади. 9 набира ардоғида яшаётган, оилада ҳам, маҳаллада ҳам бирдек ҳурмат ва эътиборга лойиқ қахрамонимиз ўзининг жонкуярлиги, ҳаракатчанлиги билан ёшларга ибрат десак арзийди.

**Латофат САЪДУЛЛАЕВА,  
"Оила ва жамият"  
муҳбири.**

**Фарзандлар уйимизнинг чироғи, умримизнинг мазмуни. Аммо тақдир синовидида тугилган жисмоний ёки ақлий ривожланишида нуқсонли бор болалар-чи?.. Улар бугун соғлом тенгдошлари каби мактабгача таълим муассасаларида ўз соғлиқларини тиклаш билан бир қаторда мукамал таълим олаётирлар.**

## СИЗГА ТАЪЗИМ, СИЗГА ТАШАККУР!



— Қизим Заринанинг икки ёшга қадар умуман гапирмаслиги ташвишга сола бошлади, — дейди бўқалик Ширин Абдусаломова. — Онаман-да, дарҳол шифокорларга мурожаат этдим. Қарангки, кизимдаги бу ҳолатнинг зудлик билан олдини олмас бўлмаслигини таъкидлаган шифокорлар махсус болалар боғчасига йўллана беришди. Туманимиздаги 13-МТМга қабул қилишди. Яхшиямки, малакали мутахассис, дефктологлар билан бирга, тарбиячи опалар ёрдамида уч йил деганда кизимда анча ўзгаришлар сезила бошлади. Сўзлари тўлиқ бўлмас-да, айта олаётганидан суюндик. Очиғи, унинг тенгдошларини кўрсам, бироз ўйга толаман. Бирок, бу каби муассасалар бор экан, фарзандларимиз ҳеч қандай қийинчилик сезишмайди. Аксинча, ҳаётга мурғак қалблари билан боқишади, бир-бирларидан ўркан олиб ўсишади.

— Мазкур муассаса 2010 йилда ташкил этилган бўлиб, тўрт гуруҳда фаолият юритади, — дейди муассаса мудири Шарифа Кенжаева. — Асосий мақсадимиз, жисмоний ва ақлий ривожланишида турли нуқсонли бўлган болаларни мактабгача таълим олишларида ёрдам бериш, уларни англаш имкониятларига мувофиқ тарбиялаш, соғломлаштириш, зарур шароит яратишдан иборат. Асосий вазифамиз болаларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг билим олишга қизиқишларини орттиришдир. Ўқорида айтиб ўтганим — тўртта гуруҳнинг учтаси нутқда нуқсонли бор, биттаси таянч ҳаракатида нуқсонли бор болалар. Гуруҳларда болаларнинг соғлом ва етук инсон бўлиб етишишлари учун "Болажон" дастури асосида 47 тарбияланувчи ўқитилади. Услубчи Шоира Мусаева, тарбиячилар Матлуба Норқобилова, Гулида Ибрагимова, логопедлар Севара Окбўтаева, Дилноза Абдурахмонова, Жамила Ҳолиқова фидокорона ишлари билан болаларнинг нутқи раво бўлишида жонбозлик кўрсатишяпти. Айниқса, ўрта гуруҳ логопеди ва тарбиячиси Севара Окбўтаева, Локиза Маҳмудова, Шаҳноза Рашидова болаларга яқиндан ёрдам бермоқда. Уларнинг машғулотларида болалар ўзларини эркин тутишиб, эртақлар оламига кириб боришади. Ҳаттоки нутқидидаги нуқсонларини ҳам унуттишади. Уларни кузатсангиз, нуқсонли болаларнинг ўз овози билан баралла қўшиқ айтиб, шеър ёдлашлари кишини жумбўшга келтиради. Муассасамиз ташкил этилгандан бери соғломлаштирилган болалар сони анча-мунча. Бу йил биринчи гуруҳдан Асад Бахтиёр, Абдулло Азаматов, Мафтуна Қурбонова, Зумрадой Аҳмедова ва бошқалар соғлом бўлиб чиқшди. Тарбияланувчиларимиздан жорий ўқув йилида жами ўн беш нафар ўғил-қизларимиз соғломлаштирилган бўлса, шундан тўққиз нафари мактабга юборилди. 2015-2016 ўқув йили учун 9 нафар тарбияланувчиларини қабул қилдик. "Зумрадойлар давраси" тўғраги ташкил этганимиз. Одобнома машғулотларида "Эртақлар — яхшиликка етаклар", "Каттага ҳурмат, кичikka иззат" мавзусида бир қатор машғулот ва тадбирлар олиб борилади.

**Нигора ЭРКИНБОЙ қизи.**

**Кино санъатининг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари, талаблари бисёр. Манзил, макон, муҳит, ҳолат, актёрлар, зарурий техника, қатор ижодкорлар... Хуллас, ҳар қандай асар экран юзини кўрунчи катта жамоа куну тун ишлади, изланади. Тайёр фильмнинг мазмун-моҳиятини томошабинга етказиши, уни таъсирлантириш асосан суратга олиш жараёнида қўлга киритилади. Албатта, бунда актрисанинг маҳорати муҳим. Бу ҳам кино муваффақияти. Овозлаштириш, яъни дубляж эса қаҳрамонларни янада ёрқинроқ акс эттиради. Актёр ўз ролини қанчалик маҳорат билан ўйнамасин, агар унга мос ва "жонли" овоз берилмаса, бу ҳаракатларнинг барчаси зое кетади.**

Асарнинг сифатли, томошабин-боп чиқишида нафақат драматург, режиссёр ёки сценарийнинг мукамаллиги, балки, ундаги ҳар бир ижодкорнинг маҳорати, ва албатта, унинг самимий қалби ҳам муҳим ўрин

**ТАҚДИР СИНОВЛАРИ**  
— Отам Анвар ака асли Фаргона вилояти Бешариқ туманидан. Савдо соҳасида ишлаган. Опам, мен ва икки укам мактабда ўқиб юрган кезларимиз дадам бизга миллатимиз

## ЮРАГИГА СУЯНГАН АЁЛ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зулхумор МЎМИНОВА ҳақида сўз

тутади. Биз кино ва дубляжда ўттиз йилдан буён самарали ижод қилиб келаётган актриса Зулхумор Мўминова билан суҳбатимиз чоғида юқоридаги фикрларимиз тасдиғини кўрдик. Ҳафтанинг яшанбалигига қарамай, одатдагидек уни дубляж студиясида учратдик. Унинг шундай ўз касбига фидойилиги ҳамда узоқ йиллик меҳнатию маҳорати давлатимиз томонидан муносиб баҳолалиб, Президентимиз Фармонига биноан мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида Зулхумор Мўминова "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист" унвони билан тақдирланди.



### МЕҲНАТ ВА ЭЪТИРОФ

— Мукофотланганим ҳақида эшитганимдаги ҳолатни, балки ҳозир изоҳлаб бера олмасман. Шодландим, ҳаяжонландим, болалигимдан то бугунга қадар ўтган кунларим, яқинларим, устозларим, ўша суратга олиш майдонлари, хуллас, ҳаммаси кўз ўнгимдан ўта бошлади. Шунингдек, дубляжда Ўзбекистон халқ артистлари — Мукамбар Раҳимова, Ойбарчир Бакирова, Тамара Камолова ҳамда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Римма Аҳмедова каби бетақор устозлар. Кино оламида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Латиф Файзиев, Жаҳонгир Қосимов, Ёлқин Тўйчиев ва Аюб Шаҳобиддинов сингари фидойи режиссёрлар билан ишлаган вақтларим ёдимга тушди. Менга берилган бу юксак мукофот замирида айнан ана шу инсонларнинг ҳам муносиб хизмат ва меҳнатлари ҳам ётганлигини чин юракдан хис этдим.

### ТАҚЛИД ВА ҲАВАС

— Тўғриси, доим атрофдагилардан нималарнидир ўрганшга, билмаганларимдан хабардор бўлишга интиламан. Ҳозир ўзимни ташқаридан диққат билан кузатсам, ўрганганларим ўша вақтда мулоҳаза қилганимни ва у табиатимга сингиз кетганини сезаман. Биласизми, ҳар бир касб эгасининг яшаш услуби бор. Аммо санъатнинг машаққати шундаки, бунда яшаш услубингизни ўзингиз топишингиз керак. Кимгадир ҳавас қиласиз, унга ўшагингиз келади. Тақлидга салбий муносабатда бўлмаганман. Чунки бир касбни танлаш учун ҳам унга муҳаббатингиз бўлиши керак, тўғрими? Табиийки, ўша соҳа вақилига ҳавас қиласиз, хатти-ҳаракатларини такрорлайсиз. Ана шулар орқалигина келажақда "ўзингизни" кашф этасиз. Албатта, сиз бошқаларга ўшамасангиз эътиборга тушасиз, бироқ бунинг замирида барибир тақлид ётади.

тарихи ҳақида кўп гапириб берарди. Онам Марҳамат ая Тошкент шаҳридан. У кишининг ҳам санъатга меҳри бўлакча эди. Кўп китоб ўқир, гоҳо шеърлар ҳам машқ қиларди. Аммо иккалалари ҳам оила, фарзандлар ташвишидан ортиб олм олишга, ўқишга имкон топишолмаган. Шунинг учун ҳам машҳур ҳофизларга ҳавас қилиб укаларимнинг бирига Маъмуржон, иккинчисига эса Комилжон деб исм қўйишган. Айниқса, менинг санъатга бўлган иштиёқимни сезиб юрган онам имкон қадар шароит яратиб беришга ҳаракат қиларди. Олтинчи синфда ўқирдим ўшанда: Тошкентда Осие, Африка ва Лотин Америкаси халқлари санъати фестивали бўлди-ю, бутун дунёдан киноюлдузлар келишди. Фотоаппаратимни олиб бориб, ҳамма актёр ва актрисалар билан бирга суратга тушганман ўшанда, шу расмлар ҳамон жуда кадрли. Мактабни тамомлаётган кунларим онам битта газета олиб келди ва унда Москва олий кинематография институтига қабул эълон қилинганини айтиб, ҳужжат топширишимни маслаҳат берди. Имтиҳон куни комиссия аъзолари — россиялик режиссёр ва актёрлар ичида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Али Ҳамроев, таникли режиссёр Учкун Назаров ҳам бор эди. Ростини айтсам, бугунга қадар ҳеч қаерда ўша имтиҳонда ҳаяжонланганим каби ўзимни йўқотиб қўймаганман. Оёқ-қўлларим шу қадар титрагандики, хаёлимда ҳозир йиқилиб тушсам, қандай ўрнимдан тураман, дердим. Наҳотки, бу орзулар сари илк қадам дея, ўзимга ишонолмасдим. Хуллас, омадим чоғиб имтиҳондан ўтдим ва Москвага жўнаб кетдим. Ўтган тўрт йил давомида Борис Черков, Людмила Черкова, Роберт Спиречев каби малакали актёр ва режиссёрлардан сабоқ олдик. Курсимизда ўн

**Гурунг**  
беш нафар талаба ўқиган бўлса, улар дунёнинг турли бурчакларидан эди.

...Шу нарсага амин бўлдимки, ҳамиша пешонага битилгани, тақдирнинг буюргани бўларкан. Бизнинг инсонийлик бурчимиз бу дунёда эзгулик билан яшаш, ортимиздан яхши ном қолдиришдир. Қилмишларимизга яраша мукофоту ажрини олишга ҳам улгураимиз. Минг шукрки, бахтиёр фарзандман, ота-онам ишончини оқладим. Суюкли ёр, меҳрибон она бўлиш бахти насиб этди. Раҳматли турмуш ўртоғим Зокир Мўминов мени доимо қўллаб-қувватларди. Ёлғизгина ўғлим Умиджон веб дизай-



**ГУЛҚАНД** — қадимда қизил гул япроғи билан шакарни аралаштириб, офтобда қуришиб тайёрланган ширинлик. Бу ширинлик конфетга ўхшаш бўлган.

Халқ учун махлут этиб гул бирла қанд.  
Табъга гулқанд янглиғ судманд.  
**Алишер Навоийнинг "Лисонут-тайр" асаридан**

**ТЎРСИҚ** — "меш", "саноч" маъноларини англатади. Унинг туб илдизи "тўр" сўзи "йиғ", "тўпла" деган мазмунга эга бўлган. Аслида, "тўрва" сўзи ҳам шу илдиздан олинган.

Бозорни тўрсикдаги илиқ сувни ичган сари қора тер босади.  
**Асқад Мухтор**

**ҚОПЛОН ВА ҚОПҚОН** — "қоплон" ва "қопқон" сўзлари бир қарашда маъно жиҳатидан жуда узоқдек туюлади, лекин улар яқин. Айни оҳангдаги яқинликдан бу сўзларнинг битта илдиздан ўсиб чиққанини билса бўлади. Яъни, бу икки сўзнинг илдизи "қоп" — "тишла", "маҳкам ушла" маъноларини англатади. Ит қопди бирикмасидаги "қопди" сўзи ҳам "тишлади" мазмунини ифодалайди.

Қоровулбозор қўриқхонасида ёлғиз қоплон яшарди.

**Газетадан**

**ҚОЯ ВА ҚИЯ** — қаттиқ, туб жинслардан иборат тик кўтарилган чўққи тилимизда "қоя" сўзи билан ифодланади. "Қоя" ҳам, "қия" сўзи ҳам "қия кесилган" маъносига "қий" феълдан пайдо бўлган.

Нафис чайқалади бир туп наъматак  
Викор-ла ўшайган қоя лабиди.  
**Ойбек**

**ЧАНОҚ** — "пахта чаноғи" бирикмасини кўп ишлатамиз. "Чаноқ" сўзи аслида "идиш" деган маънони англатган. Қадимда ёғочни ўйиб ишланган тузлук ёки коса ҳам чаноқ деб аталган. Пахта чаноғига ҳам диққат билан қарасангиз, ёғоч ўймакорлиги намунасиди, қўлда ўйиб ишлангандай таассурот беради. "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишича, бу сўзнинг туб илдизи "чана" сўзи "ўй", "чуқурча ҳосил қил" деган мазмунни билдирган.

Чаноқлардан тошиб чиқиб турган оппоқ пахта кўзни яшнатади.

**Газетадан**

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

**"Оила ва жамият" муҳбири Барно МИРЗААХМЕДОВА ёзиб олди.**

Янгийўл тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Янгийўл туман кенгаши

### 1-ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

— умумхалқ байрами муносабати билан юртимиздаги барча устоз ва мураббийларни самимий муборакбод этади!

Келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг эртанги давомчилари бўлган ёш-авлод таълим-тарбияси йўлидаги машаққатли ва шарафли ишларингизга улкан муваффақиятлар, оилаларингизга бахт-саодат, тинчлик ва хотиржамлик, амалга ошираётган эзгу ишларингизга файзу барака тилаймиз!



**БАЙРАМИНГИЗ КЎТЛУФ БЎЛСИН,  
КАДРЛИ УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР!**

### ПАСТДАРҒОМ ТУМАНИДАГИ “УНСИН МОМО” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиздаги ўқитувчи ва мураббийларни  
1-октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин дилдан муборакбод этади!

Барчангизга фидойилик, жонкуярлик ва ташаббускорлик тилаймиз. Эзгу ишларингиз бардавом бўлсин! Машаққатли касбингизда куч-гайрат, шижоат ҳамроҳ бўлаверсин!



**ҲАМИША АЗИЗ БОШИНГИЗ ОМОН БЎЛСИН,  
УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР!**

### САМАРҚАНД ШАҲАР 1-СОН ТУҒРУҚ МАЖМУАСИ ЖАМОАСИ

1-октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан фидойи касб эгаларини чин қалбдан кутлайди!

Заҳматкаш устозларга эзгу ва хайрли ишларида улкан муваффақият, зафарлар тилаймиз.

Доимо соғлиқ-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик ҳамроҳингиз бўлсин!

### ИШТИХОН ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЛИМИ

1-октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан кутлайди!

Азиз ўқитувчи ва мураббийлар! Машаққатли ҳамда шарафли меҳнатингиз роҳатини кўриб юриш барчангизга насиб этишини тилаймиз.



**БАЙРАМИНГИЗ  
МУБОРАК БЎЛСИН,  
КАДРЛИ  
ҲАМКАСБЛАР!**

ЎТКИР ҲОШИМОВ  
ҲИКМАТЛАРИ

#### Устоз

Устоз отангдан улуғ, деганлари бе-жиз эмас. Ота ҳаёт беради. Устоз эса яшашга ўргатади. Туғлишдан кўра яшаш қийинроқ...



#### Дехқон ва муаллим

Дехқон ерга нобон уруғ сепса, аччиқ “ҳосили”ни бир ўзи “ўриб олади”. Ўша йили.

Ўқитувчи боланинг қалбига нобон уруғ сепса, аччиқ “ҳосили”ни бутун жамият ўриб олади. Йигирма йилдан кейин.

Муаллим моддий бойлик яратмайди, дейдиганлар жамиятни ичидан портлатувчи бомбадир.

#### Мувозанат

Дунёда яхшилар ёмонлардан кўпроқ бўлмаса, одамлар аллақачон бир-бирини еб битирган бўлур эди...

#### Одоб

Фарзандга осон тутманг. Отанинг юзига тик қаролмайди. Отага осон тутманг. Фарзандига дардини айтолмайди.

...Хизмат юзасидан туманлардан бирига йўл олдим. Йўл-йўлакай бир-бирдан обод манзиллар, ям-яшил далаларни томоша қиламан. Қўркам уй-жойлар ҳамюртларимизнинг турмуш тарзи тобора яхшиланиб, юксалиб бораётганини кўз-қўлаб тургандек туюлади. Одамларнинг хуш кайфияти руҳиятимга кўчади.



## ТАҚДИРЛАРНИ ТОПТАЁТГАН ТЕЛЕФОНЛАР

Ҳамма ширин ташвиш оғушида. Бир келинча дарвозаси олдидаги водопроводда бир тоғора меваларни юваппти. Ҳар замонда ёнидаги қизалоғига нималарнидир гапириб, қулиб қўяди. Қизалок ҳам хурсанд. Яна бир ҳовлида қурилиш кетяпти. Бир жувон томда иш қилаётган турмуш ўртоғига чойнакда чой узатяпти. Қандай ёқимли манзара, шундай эмасми?..

Шундай кайфият билан туман хотин-қизлар кўмитаси раиси хонасига кириб бордим. Опанинг хузурида икки аёл ўтирар, бири ёш, иккинчиси кексароқ эди.

— Келинг, сиз ҳам муҳокамада иштирок этсангиз, яхши бўларди, — деди туман аёлларининг сардори. Сўнг ёш аёлга юзланиб, сўзида давом этди:

— Синглим, ҳамма гапни бошидан, яширмай гапиринг, хўш, жанжал нимадан чиқди, ўзи?

Опанинг сўзи тугаб-тугамай жувон дардини тўкиб солди:

— Менга ҳам қўл телефони олиб беринг, деб эримга неча марта айтдим. Гапимни эшитишни истамасди. Кейин ўзим топдим. Телефон ишлатаётганимни билиб қолиб, "Телефонни қаердан олдинг?", деб роса тўполон кўтарди.

— Телефонни сотиб олганмидингиз? — сўради опа.

— Йўқ, бир танишим совға қилувди.

— Танишим, ким экан у?

— Биттаси-да...

— Очикроқ гапиринг-чи.

— Тўғриси айтсам, касалхонада ётганимда бир йигит билан танишиб қолгандик. Чикиб кетаётганимда, у менга қўл телефони совға қилди, сиз картаси билан...

— Кейин у билан эрингиздан яширинча кўнғироқлашиб тургансиз, шундайми?

— Ҳа...

— Шу ишингиз оилани, икки болали аёлга ярашадими, айтинг!

— Хато қилдим, тан оламан. Энди эрим: "Сен билан яшамайман", деяпти. Менинг эса ажрашиш ниятим йўқ.

— Ажрашишни истамайдиган аёл эрини ҳурмат қилади. Оиласига, ундаги ишончга гард юқтирмайди. Сиз эса... Билмадим, эрингизни мурасага келтириш осон бўлмаса керак. Ундан

кечирим сўрашда давом этинг, ажабмас, инсофга келиб қолса...

— Ҳазимга қарашни ҳам истамаяпти. Ўша йигитни топиб берасан, ундан сўрайдиган саволларим бор, жавоб олмагунимча кўзимга кўринма, деб мени уйдан ҳайдаб юборган.

Опанинг фиғони фалакка чиқади:

— Ҳамма айб ўзингиздан ўтган. Сув энди бир ёққа оққунича сабр қиласиз... Ўт тушсин шу қўл телефони ҳам! Шу матоҳ пайдо бўлибдики, оилавий ажримларнинг эллик фоизи у билан боғлиқ. Гоҳ эрининг, гоҳ хотиннинг телефондаги мулоқотлари оиланинг дарз кетишига сабаб бўляпти...

Опанинг қабулидан чиққанимдан кейин ҳам уйдан қувилган жувоннинг гаплари қулгогим остида қайта-қайта жаранглайверади: "Уйда ёлғиз қолардим, зерикар эдим-да. Шунда ҳалиги билан sms ёзишардик. Қўл телефони бир эрмак эди. У бир кун оиламни бузиб, мени эл аро шарманда қилишини хаёлимга ҳам келтирмабман..."

Изоҳ беришга қийналасан киши. Жувоннинг калтабинлиги, енгиллигини қўя турайлик. У билан кўнғироқлашган, хабар ёзишган йигитнинг ори, ҳамияти йўқмикан? Оилани жувон билан пинҳона гаплашишдан у нега чўчимасди?

Бу саволларга ҳам жавоб бериш мушкул. Оиласи пароканда бўлиш арасидаги ўша аёлнинг кейинги тақдир қандай кечди, дерсиз. Кейин эшитсам, эри у билан суд орқали ажрашишга қарор қилибди. Болаларни ўзи билан олиб қолибди. Ана... болалари учун алимент тўлайдиган бўлибди...

Бу воқеадан кўп вақт ўтмай туриб, уяли алоқа компанияларидан бирининг олдида яна бир можаронинг устидан чиққанимдан сўнг мазкур мақолани ёзишга аҳд қилдим.

...Оқ "Ласетти"дан ёшгина бир аёлни судрагудек бўлиб, тушишга ундаётган эркакининг асабий товуши атрофдагиларнинг эътиборини тортарди.

— Ҳозироқ компанияга кириб, шпэларингнинг ҳаммасини чиқариб беришларини сўрайсан. "Финг" десанг, ўзингдан кўр. Ана ундан кейин телефонингга "С.М." деб сақлаб қўйган кишининг кимлигини айтасан. Агар

### Буни ҳаёт дейдилар

шундай қилмасанг, қишлоқда, қариндошларинг олдида сени шундай шарманда қиламанки, бош кўтариб юрмай қоласан. Болани ҳам умуман кўрмайсан. Тушундингми?

Ким "текин томоша"га ошиқди, ким йигитни мурасага келтирмоққа уринди. Аммо йигитга ҳеч ниманинг ва ҳеч кимнинг аҳамияти қолмаганди...

Аёл эса одамлардан юзини яширишга уринар, аммо тўзгиган сочларини йиртилиб кетган қўйлагидан баттар хижолат тортарди. Аммо эрига бир оғиз эътироз билдиролмасди. Демак, у ҳам қўл телефони орқали хиёнат сари қадам қўйгани кундек равшан...

Хатолари эвазига берилётган жазонинг оғриғига чидай олмай тахририятга кўз ёши қилиб келган яна бир аёлнинг қисмати ҳам кўпчиликка сабоқ бўлса керак.

— Ўшанда эрим билан арзимас сабаб туфайли аразлашдик, — дейди у. — Мен боламини олиб, ота уйимга кетдим. Айб кўпроқ мендан ўтгани учун бош эгиб келишга эримнинг гурури йўл бермадим, анча пайтгача ундан дарак бўлмади. Бир кун кўчада собиқ мактабдош дугонамни учратиб қолдим. У мендан қўшни тумандаги бозорга бира бориб келишни илтимос қилди. Ота уйимда зерикиб ўтирганим боис унинг таклифига рози бўлдим. Эрим билиб ўтирибдими, кўрмаган жойларимни кўриб келаман, эртага ярашиб кетсам, эрим ўла қолса унақа жойларга юбормайди, деб ўйладим. Бизни ўша мактабдошимнинг синфдоши ўз машинасида олиб кетди. Йўл-йўлакай ҳалиги йигит менга ғалати қарай бошлади. Шеригимнинг сўнгги русумдаги қўл телефони кўлимга олиб, ҳавас билан ушлаб кўргандим, у: "Сиздай чиройли қизга битта қўл телефони олиб беролмайдингиз эрингизга қойил", деди. Мен индамадим. Ичимда эримни ёмон кўра билмагандим. Бозордан қайтаётганимда, шеригим сув ичиш учун пастга тушиб кетганида, йигит менга бир қутичани узатди.

— Нима бу? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Телефон. Энди сенинг ҳам қўл телефонинг бор. Ол, қўлимни қайтарма. Тез сумкамга сол, дугонанг кўрмасин.

Мени нима жин урди билмайман, қутичани шошиб сумкамга солиб қўйдим. Уйга бориб, ҳеч ким йўқлигида телефонни ёққандим, бироздан сўнг қандайдир рақамдан кўнғироқ бўлди. Қўрқа-писа зангор тугмачасини босдим. У ёқдан унинг овози келди:

— Овозингни эшитгим келди, қалай жоним, телефон ёққандими?..

Шу тариха кўнғилимга шайтон оралади. Анча муддат кўнғироқлашиб турдик, кейин у мени учрашувга таклиф қилди...

Ҳаётим барбод бўлди, унга ишониб, эримнинг ёлвориларига парво қилмабман. Бир йил ярашишга умид қилиб юрган эрим ахирини, бошқа аёлга уйланди. Ҳозир улар бахтли. Мен эса аро йўлда қолдим. Икки йил ўтар ўтмас у мени ташлаб кетди. Унинг оғайниси мени ёмон йўлга бошлаганида эса тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганимни аягладим...

Бошимдан ўтганларини айтишдан мақсадим — зорманда қўл телефони имкони бўлса, уйда ўтирган оилани аёллар ишлатмасин. Бу матоҳнинг фойдасидан кўра зарари кўп экан, оилада ишончнинг йўқолишига у кўпроқ сабаб бўларкан...

Мақолага нуқта қўйишдан олдин унга хулоса яшамимиз даркор. Бироқ бу вазифани сиз — азиз муштарийларга ҳавола этсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки сизда ҳам бу борада мулоҳазалар тўғилгани, шубҳасиз. Демак, мактубларингизни қўтиб қоламиз.

Шахло ТОШБЕКОВА.  
Наманган вилояти.

### КИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

#### НАФСИ ҲАКАЛАК ОТИБ...

Конунни бузди, аёллик шаъни, ор-номусига пугур етказди

Каттақўрғонлик Роҳат Соқиева (исм-шарифлар ўзгартирилган) қонунга хилоф равишда иш тутиб, осонгина пул топиш йўлини танлади. У аёллик шаънига доғ туширадиган "касб" ортидан мўмай даромад қилишни кўзлади.

Р.Соқиева спирт ва ароқ қопқокларини турли йўллار билан сотиб олиб, давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 6 июлдаги "Акциз маркаларини қалбақиллаштириш ва ғайриқонуний айлантириш учун жавобгарликни ошириш тўғрисида" ги фармони талабларини кўпол равишда бузди: ароқ акциз маркаларини принтерда ноқонуний кўпайтирди. Спирт ҳам топилди. Ҳаммасини "ғамлаб бўлгач" мўмай даромад илинжида савдога ошиқди.

У 2015 йилнинг 23 январида спирт, акциз марка ва қопқокларни сотиш учун Иштихон туманидаги бозорга йўл олади. Дастлаб "бозори" юришмади. Аммо кейинчалик "мол"га О. Жонибекова харидор бўлди. Иккиси қалбаки тайёрланган бу маҳсулотларга нарх ҳам қўйишди. Р.Соқиева О.Жонибековага 24 литр спирт маҳсулотини, 1000 дона ароқ қопқоғини ва 1000 та бир хил қалбаки ароқ акциз маркаларини жами 448 минг сўмга пуллади.

Бироқ Р.Соқиева мўмайгина пулни чўнтагига уриб машинада қайтаётганда Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Каттақўрғон шаҳар бўлими ходимлари тўхтаиб текширди. Ҳуқуқ тартибот-идоралари уни анчадан буён кузатиб келаётганини билгач, "уддабурон" айбига иқдор бўлишдан ўзга чораси қолмади...

Жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар судининг 2015 йил 6 апрель куни бўлиб ўтган суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 176-моддаси 1-қисми билан айбланган Роҳат Соқиеванинг қилмишларига оид ушбу жиноят иши кўриб чиқилди. Судда гувоҳлик берганларнинг тегишли кўрсатмалари асосида Р.Соқиевага Жиноят кодексининг 57-моддасига қўра, икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Каттақўрғон шаҳар 9-савдо ташкилотига қарашли 1-маҳсус дўкунда сақланиб келган 24 литр спирт, 100 дона целлофандан ишланган ароқ қопқоклари ва 1000 дона қалбаки дароқ акциз маркалари ашёвий далил сифатида мусодара қилиниб, йўқ қилинди.

Энг ачинарлиси, Р.Соқиева бундан оз эмас-кўп эмас 11 йил олдин ҳам судланган эди. Ўшанда унинг чигитдан олинадиган маҳсулотни ноқонуний ишлаб чиқишига савдо қилишга оид жиноятга оилали ва тўрт фарзанднинг онаси, яна вақтинча ишсиз экани инобатга олиниб, енгилроқ жазо берилган эди. Аммо озоликка чиққанидан сўнг ҳам бу кимса ўшанда қилган қинғир ишдан етарлича хулоса чиқармаган экан...

Раҳим ЭГАМОВ,  
Бош прокуратура  
хузуридаги СВОЖДЛҚҚ  
департаменти Каттақўрғон  
шаҳар бўлими  
суриштирувчиси.

**Бухоронинг кенг кўчалари, бош-адоғи йўқ далалари, ҳар қадамда одамни ўзига тортадиган оҳанрабо — қадамжолари сеҳрига мафтун этгандек. Аммо мени нимадир яна ичкарига тортаётгандек эди. Билмадим, бунинг синоати нима? Йўлим Фиждудонга тушгани учунми, қалбим таскин топди, гўё излаётган, чорлаётган бир мўъжизани шу ерда учратаман: хайрату ҳаяжон ичра яна теварак-атрофни кўз ҳадафимга оламан, бирор нарсани эътибордан четлатмаслик учун синчков боқаман.**

Фиждудон ўзининг ширин таомларини офтобдай иссиқ меҳридарё инсонлари билан ном чиқарган. Айниқса, бу ернинг хунармандлари дунёга овоза, қаерга борманг, донғини эшитасиз.

Автоуловдан тушарканман, гишти, миллий матолар илинган уй эътиборимни тортди. Шу пайт ҳайдовчи: "Синглим, шу уйга кирар эканми?" деб қолдилар. Мен эса ич-ичимдан қувониб, уй томон шошдим. Рангдор дарвозалари катта очилган аллақандай файзли уй: тўғрида — тандир, ёнида бир амаки ва яна мен тенгқур ўсмирлар. Ичкарига кириб, уялиқираб (худди бу ердаги сирни энг аввал ўзим кўрмоқчи эдим, шунга шошилдим) уларга салом бердим ва нимадан гап бошлашни билмай бир муддат каловландим. Шу пайт бир аёл менга пешвоз чиқиб, ўнг томондаги эшикка етаклади. У шундай сипо гапирдики, гўё мени олдиндан танигандек. Ховли нақадар катта ва сўлим эканини, дераза ромлари адрес парчалари билан қопланганини ва боядан бери сайраётган беданининг қафаси тепада илиниб турганини хайратимни ичга ютгангина англадим. Тан олишим керак, ўша миллийликка йўғрилган уй менга жуда ёқиб қолганди. Атрофдан кўз узмаган ҳолда ҳалиги аёл айтган кичик эшик томон юрдим. Эшик бўйи паст эди, эҳтимол, бу останада ичкарига кеккайиб кирмаслик, тавозе учундир. Эгилдим: дарвозадан кирган пайт бу ерни уй деб тасаввур қилган бўлсам, хонадон ичига киргач, ўзимни худди музейга ташриф буюрган саёҳатчидек ҳис этдим. Ажойиб манзара. Хайратда уй ичини кузата бошладим. Сокин хонадон бурчагидан шивир-шивир овоз эшитилар, мен эса девордаги суратлару тоқчадаги буюмлардан кўзимни узгим келмас, тикила-тикила унинг муаллифини хаёлда чизардим ва у худди фариш-тасийрат бир киши сифатида кўз ўнгимда гавдаланарди.

Меҳмондўст уй эгалари дастурхон ёзишган экан. Удум шундайми, Фиждудонда, ёки бизнинг келишимизни бойибдан билганми, ишқилиб, қанд-

курсни кўя туринг, ҳатто овқатларгача қозонда қайнардир. Ортиқча, муболагага йўйманг, лекин чиндан бу ердаги ҳолат кутилмаганда мени ажаблантирарди.


...Салқингина уйда ҳамроҳларим ўтиришибди. "Ассалому алайкум" дея улар даврасига кўшилдим. Хонтахта атрофидагилар менга таниш, фақатгина дастурхон бошида ўтирган нуруний нотаниш. Агар бояги хона музей бўлса, демак, шу киши музейнинг раҳбари бўлса керак, деб тахминладим. Қизиқувчанлигим сабаб ёнимда ўтирган танишимдан "Бу жой қаер?" деб сўрадим. "Уй" деган

хил дипломлар, суратлар... улар жуда ҳам кўп эди. Бу мукофотларнинг бари бир инсонга бориб тақаларди: **Алишер Нарзуллаев.**

**Алишер Нарзуллаев...** катта одам бўлса керак, мукофотлари ҳам кўп экан, деб турсам бояги отахон кулиб қаради. Хаёл ила жилмайганча: "Ким у киши?" қолганларга юзландим. Улар ҳам камтарона жилмайиб: "Оддий бир кулол" деб жавоб бердилар.

Бу хонадон сир-синоатга бой. Ундаги буюмлар каби истикомат қилувчиларининг ҳам узоқ йиллик ўтмиши, қизиқарли хотиралари бор. Алишер

## КЎНГИЛ КЎЗГУСИ



жавобдан қоникдим. Мен ҳам шундай ўйлагандим.

— Агар бу ер уй бўлса, нега буюмлар бунча кўп, музейга ўхшар экан, деган савол миямга тинчлик бермасди.

Шу пайт танишим кулиб:

— Ҳа, бу уй, ҳам музей, аниқроғи, кулолчилик мактабининг уй музейи, бу киши шу мактабининг асосчиси, — деди.

Бошида, барибир, ҳеч нарсани тушунмадим, чунки кулолчилик мактабига бориш режаси йўқ эди. Танишим ўша сочлари оппок, юзларию кўзларидан ажиб нур таралаётган отахон билан суҳбатини давом эттирди. Мен эса дарров эски одатим — яна уй ичидаги буюмларни диққат ила кузатишни бошладим: деворда осмиқлик туркман гилами, тоқчаларда кўзалар, каштанинги ўн хил тури, нозик дид билан тикилган дарпардалар, турли

Нарзуллаев ана ўша ўтмишнинг бугунги авлоди.

Бу орада мен оиланинг эркатойи — отахоннинг набираси билан ҳам танишиб олдим. У менга ўзи ясаган лаганни совға қилмоқчи бўлди. "Дастхат кўйиб бер" деганимдан сўнг товоқ ва қаламини тутиб, даставвал дадаси олдиға борди, қўл кўйиб беришларини сўради.

Дадаси фарзандига кулиб қараб, уни босиб ёнига имлади-да:

— Мендан эмас, бобондан дастхат кўйиб беришларини сўра. Ахир, бу хунарино улар бизга ўргатганлар, — деб айтди.

Ҳали мактабга чиқмаган шўх болакай бобосининг олдиға югуриб борди, энди бободан илтиминос қилди. Аммо кулол неварасининг бошини силаб: "Болам, бу сенинг меҳнатинг, шунинг учун унга дастхатни ўзинг

### Портрет-очерк



кўй", деб розилигини билдирди. У бувасининг кўзига бир муддат уялиқираб, қараб тургач, отахоннинг нигоҳидан ниманидир уқдим, хижолатомуз бир қиёфада ажи-бужи имзо чекиб, кўлимга тутқазди. Биласизми, бу манзара хотирамда абадий муҳрланса керак. Чунки, у ерда нафақат ҳурмат, балки ўзбекларга хос аъъанавий қадрият ҳам акс этган эди. Очиги, бу ҳолатни қалам билан узоқ изоҳлаш шарт эмас, назаримда.

Аста-секин қадамим аёллар буюмлари томонга оғди...

Азал-азалдан бизнинг аёлларимиз тикувчилик, каштачилик билан шуғулланиб келишган. Уларнинг ҳар бир тиккан матосида ўзгача нафислик ҳамда ўзига хос жилони кўрасиз. Нақш ва гуллар шакли ҳар сафар турли хил безакда кашталанади. Асосан, чопон, яктак, дўппиларнинг безаклари камалакнинг ранглари каби турли иплардан тайёрланади. Ҳар туснинг ўз маъно-мазмуни бўларкан. Ичкарида каштачилик буюмларига кўзим тушди. Синчиклаб қарарканман бир-бирига сира ўхшамас — безаклари, тўқилиши турлича кийимларга гувоҳ бўлдим. Миллий дўппиларни бошимга илдим. Бари нафис кийим-кечаклар ҳар қандай қизнинг чеварлигини оширар, гарчи ўзим бу борада укувим йўқ эса-да. Ҳартугул, озми-кўпми, шундай нодир буюмларни кўриш чоғида тўқишга ҳавас уйғонди.

Бундай кулолчилик буюмларининг ясалишини бир қур кузатиш учун уй-бошиларга юзландим. Уларнинг изоҳлари қизиқ; кулолчилик буюмлари ҳовли бурчагидаги тандирда 20 соат давомида пиширилар, унинг тобига келгунга қадар барча, устозшогирдлар кўнглини пок тутиб, шу ерда ўтираркан. Буюмлар бир-бирига ёпишмаслиги учун ораларига бурчаксимон нарса кўйилар, пишган идишлар тайёр бўлгач, кулол бобомиз уларни бирин-кетин тандир ичидан олиб, супа четиға қатор жойлай бошларкан. Қанча вақт тандир ичидан турган бўлса, худди шунча вақт буюмининг совихиға сарфланишини ҳам шу ерда билиб олдим.

**У ерда кўрганимиз — ҳар бир буюм, матоҳ, кийим-кечак — бари ҳали-хануз хотирамда. Уларни эсласам, оила, бобо, ўғиллар, келинлар, неваря яна хаёлимда жонланарди-ю, улар ўз ишларига берилдилар: яратаётган асарларида эса гўё уларнинг қалби, ҳис-ҳаяжон, орзу-армонлари, ёруғ ниятлари тажассумланади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам улар одамларнинг кўнглида қолаб. Балки шунинг учун улар ҳар қанча эътирофга лойиқдир.**


Нилуфар АҲМЕДОВА.

### ЯНГИ ЎЗГАРТИШ ВА КЎШИМЧАЛАР

Яқинда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлашнинг автоматлаштирилган бошқарув тизими яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган ҳолда август ойидан бошлаб расман кучга кирганлигини эшитгандим. Шу ҳақда қисқача тушунча берсангиз?

**С. Комилжонов**

— Мазкур кодекс 2 та янги модда билан тўлдирилди. 13 та моддага қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, кодекс махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воси-



талари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган тақдирда транспорт воситасининг эгасини маъмурий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи 17-модда билан тўлдирилди. Бунда қоидабузарликнинг такрорийлиги инобатга олинмаслиги, агарда транспорт воситасининг эгаси ўзининг айбсизлигини исботласа ёки қонунчиликка зид равишда транспорт воситасини бошқа

шахс бошқарганлиги аниқланганда транспорт воситаси эгасини жавобгарликдан озод этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, маъмурий баённома расмийлаштирмасдан ДЙҲХХ мансабдор шахсининг электрон имзоси билан тасдиқланган жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг нухасини уч кунлик муддат ичида транспорт воситасининг эгаси номига юбориш ҳам кўзда тутилган. Бунда автоматлаштирилган тизими орқали олинган маълумотлар маъмурий иш бўйича далил сифатида қабул қилиниши назарда тутилган. Шу сабабдан кодекс 309-модда билан тўлдирилди, 276-, 283-моддаларга ўзгартиришлар киритилди.

**Саволга Жомбой туман ИИБ ЙҲХГ маъмурий амалиёт нозир, сержант Фирдавс АҲМЕДОВ жавоб берди.**

# ОҚИБАТЛИ ҚУДАЛАР

**Лолахон ва Тўрамирза Йўлдошевлар Чортоқ туманидаги Қорамурт қишлоғида умргузаронлик қилишади. Қизлари Фотимахон қўшни Сарой қишлоғидаги Маҳбубахон ва Нўмонжон Дедабобоевлар хонадонига келин бўлиб тушди-ю, хушмуомаласи ва меҳнаткашлиги билан янги оила аъзоларининг ҳам, турмуш ўртоғи Рустамжоннинг ҳам меҳрини қозонди.**

Келин-куёв қиз кўришгач, Севарахон деб исм қўйишди. Такдир эканда, қизи ўн ёшга тўлганида Фотимахон жигар хасталиги билан бетобланиб қолди. Уни оёққа турғазини учун икки хонадон катталари баравар елиб-юришди. Аммо даволанишлар кўр қилмади. Шифокорлар бу дард бедаво эканини айтишди. "Яхшиси, беморни эҳтиёт қилинглр, энди унга оғир юмушлар ва хатто эри билан яшаши ҳам мумкин эмас", дейишди. Ҳали ўн гулдан бир гули очилмаган ёш жувоннинг пешонасида шундай синовлар бор экан-да. Қудалар ўзаро маслахатлашиб, келинни ота уйига олиб қайтишди. Кўп ўтмай Рустамжон қорабоғлик Роҳатой исми қизга уйланди.

Орадан беш йил ўтди. Қуда-андалар ўртасидаги оқибат ришталари узилмади. Севара Чортоқ туманидаги ихтисослашган мактабда таҳсил олди. Кўпроқ онасининг ёнида бўлса-да, лекин Сарой қишлоғидаги туғилиб ўсган ҳовлисига ҳам тез-тез бориб турди.

Рустамжон ва Роҳатой икки фарзандли бўлишди. Утган вақт ичида Фотимахон бирор марта бўлсин, софит турмуш ўртоғига таънали гап айтмади. Қайнона-қайнотасига эса ҳамаша ҳурмат-эҳтиром кўрсатди.

Шу боис бўлса керак, тоби қочган пайтларда қайнотаси Нўмонжон ака келинига суянчиқ бўлди, кўнглини кўтарди. Тўй-маъракаларда қудалар бир-бирларига елка тутишди. Уларнинг оқибатига маҳалла-қўй таҳсинлар айтди.

...Минг афсуски, оғир хасталик Фотимахонни енгди — айни навқирон 35 ёшида дунёдан ўтди. Муштипар келин ўз омонатини топширар пайтида ҳам қайнотаси Нўмонжон ака, қайноғаси Маҳмудшер Мамажонов, қайнонаси Маҳбубахон унинг ёнида эди. Рустамжон эса Роҳатой билан бирга марҳуманинг барча маъракаларига бош бўлишди...

Мен ярим асрдан кўпроқ матбуот соҳасида ишлаганман. Кўплаб инсонлар билан танишиб, турли тақдирлар ҳақида мақолалар ёзганман. Аммо Рустамжон ва Фотимахоннинг тақдирини кўриб, қудаларнинг ўзаро меҳроқибати, одамгарчилигидан ҳайратга тушдим.

Фотимахоннинг отаси Тўрамирза Йўлдошевнинг амакиси Бекмурза ака Ибрагимов шундай дейди:

— Кудамиз Нўмонжон ва Маҳбубахондаги одамгарчилик, фидойилик ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Қалби тоза инсонлар экан, баракат топшисин. Тўрамирза ҳам иймонли, диёнатли инсонлиги боис "Қизимнинг турмуши бузилиб, куёвимиз бошқа аёлга уйланиб кетди, энди бизга бегона, барча ришталарни узиш керак", демади. Аввалги қудаларига бўлган самимий муносабатини заррача ўзгартирмади. Фотимахоннинг маъракалари ўтгач, Рустамжоннинг рафиқаси Роҳатой Севарани уйларига олиб кетиш учун розилик сўраганида Тўрамирза ва Лолахон заррача эътироз билдиришмади. Аксинча: "Такдир-да, қизимиз-

## Ўзбек феъли

нинг умри қисқа экан, неварамиз отонасининг бағрида, укалари билан бирга вояга етсин", дейишди. Бунинг учун одам қанчалар бағрикенг, нақадар кенг феъли бўлиши керак...

Аждодларимизнинг "Қудачилик — минг йиллик" деган пурмаёно ақида-си мана шу икки қуданинг ўзаро оқибатида яққол намойён бўлади. Рустамжон ва Фотимахоннинг тақдирдан, уларнинг ота-оналарининг одамхунлигидан бошқалар ҳам ибрат олса арзийди.

Инсон бировни қадр этса, қадр топади. Орамизда ўғил-қизлар бирга яшаб турган бўлса-да, арзимаган гап-сўзларни, буюмларни деб сенменга борадиган қудалар ҳам афсуски, орамизда топилади. Ўткинчи можаролар боис келиннинг кўчага қувиб солган, куёвининг юзига эшикни қаттиқ ёпганлар ҳам бор. Ёшларнинг ажрашиб кетишига бефарқ қараб тургани етмаганидек, кейин ҳам судлашаётган қудаларга нима дейсиз? Синган кўнгилар, зада юракларга даво топиб бўлармикан?

Ўзаро ҳурмат-иззат, андишани унутмай, фарзандлари бахти-саодатини ўйлаётган, уларни дуо қилаётган қуда-андалар ҳамиша омон бўлсинлар. Тақдирнинг зарбаларига биргаликда елка тутиб, бир-бирини ардоқлаб келаётган Нўмонжон ва Тўрамирза каби инсонларнинг борлиги кўнгила ёруғлик солади. Ишонимизки, улар рафиқалари билан қарши олажақ ойдин қуллар ҳали жуда кўп.

**Аскарали МАМАТОВ,**  
журналист, "Эл-юрт  
хурмати" ордени соҳиби.  
Наманган вилояти.



## ТУННЕЛЬ — БОЗОР

**Шаҳрингиздаги бозор шу шаклда бўлишини хоҳлармидингиз?**  
Голландиянинг Роттердам шаҳри



аҳолиси хали қурилиши охирига етмаган ана шундай ҳашаматли бозори билан фахрланадилар. Биз уни улкан туннель шаклидаги бозор деганимиз билан аслида бу иншоотнинг бошқа вазибалари ҳам бор. Масалан, у ўз бағридан турар-жойлар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, рестороанлар учун ҳам ўрин ажратди.

## КЎПРИК — ТУННЕЛЬ

**Эресунн бўғозининг Дания ва Швецияни айириб турувчи 16-километридаги сув участкасида бутунлай ўзига хос кўприк барпо этилган бўлиб, унинг давоми туннельга улашиб, ер остига кириб кетади.**



Бу турдаги иншоотлар ичида дунёда ягона бўлган Эресунн кўприк-туннели сувликдаги маълум масофани босиб ўтишда паромларга нисбатан анчагина вақтни тежайди ва ноёб конструкциясига кўра, аънавий кўприкларга қараганда кўплаб муаммоларни ҳал эта олади.

Кўприк узра бир вақтда тўртта машина бемалол ҳаракатлана оладиган икки томонлама автомагистраль ҳамда темир йўл ётқизилган. Кўприкнинг бир учи сунъий оролга узайиб боради ва охишта ер остига кириб кетади.

Бундай ноънавий лойиҳа бу ердан унча узоқ бўлмаган Копенгаген аэропортига қўнишга келаётган самолётларга тўсқинлик қилмаслиги учун танланган. Шунингдек, у турли катта-кичик кемаларнинг эркин қатновини таъминлайди. Улкан иншоотнинг бор гўзаллиги, айниқса, осмондан қараганда тўла намойён бўлади.

**Наргиза СИДДИҚОВА**  
тайёрлади.

Реклама

## САМАРҚАНД ТУМАНИ ГУЛОБОД КЎРҒОНИДА ЖОЙЛАШГАН "SAM ROS HOLOD"

### ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

**Озод ва обод юртимизда умумхалқ байрами сифатида**

**кенг нишонланаётган**

**Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан**

**сиз муҳтарам устоз ва мураббийларни самимий муборакбод этади!**

**Ҳар бир инсоннинг камолотида ўқитувчиларнинг, устозларнинг ўрни ниҳоятда катта. Мураббийлар жамиятининг энг илғор вакиллари.**

**Уларни эъзозлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.**



**Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Болалар ва оналарни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди**

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмун учун таҳририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

ISSN 2010-7609



**Бош муҳаррир:**  
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Навбатчи муҳаррир — **Олимжон ЖУМАБОВ**

Саҳифаловчи — **Акбар ШОДИЕВ**  
Мусахҳиҳлар — **Саидгана САЙДАЛИМОВ,**  
**Камола АДАШБОВЕВА**

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент — 100000. Амир Темури кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма **Г — 936**. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади — 4621. Баҳоси келишилган нарҳда.

**ОБУНА ИНДЕКСИ — 176**

Қабулхона: (тел-факс) **233-28-20**  
Котибият: **233-04-35, 234-76-08**

E-mail: [oilaavajamiyat@sarkor.uz](mailto:oilaavajamiyat@sarkor.uz)

Web-site: [oila-va-jamiyat.uz](http://oila-va-jamiyat.uz)

1 2 3 5